



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 242 (8732).

17 декабрь, 1985 йил

СЕШАНБА

Баҳоси 3 тийин.

ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

МАҲОРАТ МУСОБАҚАДА ТОБЛАНАДИ

М. САЛИМОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты,
XXII Тошкент область партия конференциясининг
делегати, Оржоникидзе районидagi «Коммунист»
колхозининг сўт соғувчиси

ФЕРМАЛАРДА қиш. Аслида чорвадор учун календарь мўдат бўйича қишлоқ октябр ойидаёқ бошланади. Лекин улар учун ҳақиқий саноат дари энди келди. Қор ёғиб, совуқ ва изириқли кунлар бошланди. Ўз набиини устаси бўлган соҳоватли чорвадор совуқ заппига олган шундай кунларда ҳам қармоғидagi сигирларни яхши парвариш қилиб, кўп сўт соғиб олаверади.

Бу йилги қишлоқнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Биз наватдаги ўн иккинчи беш йилликка қадар қўямиз. Партия XXVII съездини муносиб совғалар билан қутиб олиш учун қизгин тайёргарлик қўйилди. Областида чорвачилигини ривожлантириш соҳасида эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлашнинг, уларни кўпайтиришнинг ва бундай юксалишнинг изчиллигини таъминлашнинг керак бўлади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг октябр ойида чорва қишлоқини муваффақиятли ўтказиш ва маҳсулот етиштириш ҳамда харид қилишни кўпайтириш учун Бутуниттифок социалистик мусобақасини кенг қўл очиб еттириш тўғрисида қарори эълон қилинган эди. Бу қарорда еттириш ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиб, мол ва паррандалардан энг кўп миқдорда гўшт, сўт, туҳум олиш, интенсив технологияни жорий этиш, меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг илгор усуллари қўллашга қарор қилган илгор чорвадорларнинг, бригада ва ферма, колхоз ва совхоз коллективларининг ташаббуслари маъмулдади. Иттифоқимиз миқёсда кенг қўл очиб беш йилликда чорвачиликни янада жадал сўратлар билан ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратишга даъват етмоқчидир. Ўйлаймани, бунинг учун ҳамма коллективларда етарли имкониятлар бор. Фақат мавжуд резерв ва имкониятларини излаб топиш ва дадиллик билан жорий этиш, фан ютуқлари ҳамда илгор тажрибаларни кенг ёйиш, чорвачилик фермалари ва коллективлариди интизом ҳамда тартибни қатъий жорий этиш керак бўлади, холос.

Маълумки, ўзаро ҳамкорликка асосланган меҳнат беллашувида касб маҳорати олдда, меҳнат интизми ва тартиб мустаҳкамланади. Меҳнат оғли ва ижодий муносабат янада кучайди, бир сўз билан айтганда инсон омилининг роли ортади. Шунинг учун ҳам ҳар бир фермада социалистик мусобақани тўғри йўлга қўйиш, чорвадорларнинг маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, умуман паровард натижага нисбатан ҳам моддий ҳам маънавий манфаатдорлигини ошириш мўҳим аҳамиятга эгадир. Масалан, бизнинг коллексимида чорвадорларнинг меҳнатига ҳар 10 кунда яқин чиқариб борилади. Голлардан пул мукофоти билан тақдирланадилар. 3 та мукофотли ўринини эгаллаган сўт соғувчиларга ҳўрмат белгиси сифатида қишлоқ дуррачалар сохта қилинади. Улардан энг илгори қишлоқ меҳнат шўхрати байроғи кўтарилади. Шунинг диққатга сазоворки, бу мукофот ва совринлар коллективнинг умумий йилгилишида тантанали сўратда топширилади. Мусобақанинг бундай тартибда йўлга қўйилиши коллективнинг ҳар бир аъзосида илгорликка интилишга ҳамда уйғотишга таъйиндир.

Фермадаги ташкил этилган меҳнат беллашуви чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотиш планлари, зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятлари муваффақиятли бажариш, маҳсулотнинг таннархияни арзонлаштиришга эришиш имконини бераётди. Коллективимиз гўшт етиштириш ва давлатга сотиш йиллик планини мўддатидан илгари бажарди. Сўт етиштиришнинг ҳам анча кўпайтиришга эришди. Масалан, ўтган ўн бир ой давомида аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан давлатга 44 тонна кўп сўт сотилди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинган сўт эса 427 килограммга кўпайиб, ўртача 2884 килограммни ташкил этди. Биз ҳозир сигирларнинг маҳсулдорлиги бўйича районда биринчи ўринда бораёламиз. Бу йил эришган яна бир қувончли ютуғимиз — етиштирилган бир центнер гўштининг таннархи 86 сўмга, сутнинг таннархи эса олти сўмга арзонлашгандир.

Шунинг ҳам таъкидлаш керакики, ўтган йилги қиш оғир келганлигига қарамай, чорва қишлоқини муваффақиятли ўтказиб, асосий қўрсаткичлар бўйича ўсишга эришган эдик. Коллективимизнинг 1984—1985 йил чорва қишлоқини намунали ўтказиш юзасидан Бутуниттифок социалистик мусобақаси якуни бўйича КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Мар-



казий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Бу йилги қишлоқ даври учун янада юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилганмиз. Унда қўйидаги шартлар ҳам бор: давлатга гўшт топшириш биринчи квартал пани январь ойида, дастлаб икки ойлик сўт топшириш пани эса КПСС XXVII съезди очилганидан кўнчага бажарилади, умуман қишлоқ даврида сўт етиштириш ўтган йилдагига нисбатан етти процент кўпайтирилади.

Чорвадорларимиз ҳозир ана шу марралар сари дадил қадамлар билан боришяпти. Йил охиригача давлатга яна 70 тонна сўт топширилади ва сигирларнинг ўртача маҳсулдорлиги 3100 килограммга етказилади. Бу ўтган йилги натижадан 500 килограмм кўпдир. Фермаимизнинг Моҳира Рўфурбекова, Заҳра Аҳмедова, Дилор Юнусова каби тажрибали сўт соғувчилари ҳозирнинг заидаёқ бу маррадан ўзиб кетдилар. Менинг ҳам қармоғимдаги ҳар беш сигирдан соғиб олинган сўтининг йил охирига бориб қандай 3700 килограммга етди.

Ферма ва коллексиларда уштингилгаётган социалистик мусобақада фақат сўт соғувчиларига эмас, молбоқарлар, меҳаниклар, ем-хашакчилар ҳамда мутахассисларнинг иштирок этишлари мўҳимдир. Сабаби — коллективнинг умумий ютуғи ҳар бир аъзосидаги ишнинг пухта ва оқилона ташкил этилишига боғлиқдир. Садриддин Рўстамов раҳбарлик қилаётган бизнинг цех партия ташкилотимиз коммунистларнинг, барча ферма ҳодимларининг кўн-ғайратини коллексилнинг бирор участкасида ҳам қўлқондила йўл қўймасликка сафарбар етмоқда. Озуқа цехимиз қишлоқ бошлангандан бери бекхўш ишлаб турипти. Бу ерда хушхўр ва тўйимли озуқа аралашмалари тайёрланмоқда. Бригадир Раҳматилла Урмонов билан бош зоотехник Саид Саидмуртов озуқа рацционининг тўғри бўлиши, айниқса, туғи рацционга ажал қилинишини қатъий назорат остида олишган. Ҳозир фермаимиздаги сигирларга бир кеча кундузда олти марта ем-хашак тарқатилмоқда. Зоотехник-селекционер Галина Юковлева Каменева подадаги сигирлар зотини яхшилаш, урғочи моллардан қишлоқда насл олишни кўпайтириш устида қизгин иш олиб бораётди. Бу йил қишлоқ даврида 227 та яъин ўтган қишлоқ давридагига нисбатан 30 та кўп бузоқ олиш мўжлавланган.

Коммунистлар юксак, аммо реал социалистик мажбуриятлар қабул қилиниши ва меҳнат беллашувида ўз ўринларини тўғри белгилаб олишларида чорвадорларга, мутахассисларга ёрдам бермоқдалар. Бунда улар асосий эътиборни бригада ёки алоҳида ҳодимлар томонидан қабул қилинаётган мажбуриятлардаги асосий қўрсаткичлар аввалги йилдагига нисбатан бир мунча юқори бўлишига қаратмоқдалар. Коммунистларнинг ҳар бир ишда шахсий намуна қўрсатишлари, қимматли ватанпарварлик ҳаракатларининг ташаббусқори бўлишларининг асл мўҳияти ҳам шундандир.

Партия ташкилотлари чорвадорлар мусобақасини доимий назорат остида олишлари, унинг ошқоралиғи ва таъсирчанлигини таъминлашлари лозим. Шунингдек ўзаро мусобақалашиб ишлаётганларнинг меҳнатлари якунларини мунтазам текшириб бориш, илгорларни қўлчилик ўртасида олиқлаш ва шарофатли меҳнатга яраша тўғри ҳақ тўлаш, дангасаларга нисбатан мурасан бўлиб, уларни беғариз танқид қилиш, орада қолаётганларга эса ёрдам бериш ҳам мўҳимдир. Ана шундай аҳил ва иноқлик билан, ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун ишори остида иш юритилса, чорва қишлоқини муваффақиятли ўтади, эришилган ютуқлар янада салмоқли бўлади.

Чорвадор ўртоқлар! Социалистик мусобақага актив қўшилишгиз!

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

ТОШКЕНТ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи коллективи ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида зиммасига олган юксак социалистик мажбуриятини муваффақиятли бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Машинасозлар жами 9500 га, шу жумладан пландагидан ташқари 100 та «зангори кема» тайёрлаш тўғрисидаги сўзларининг устида чинқомдалар. КПСС XXVII съездини муносиб меҳнат совғалари билан қутиб олиш юзасидан бошланган социалистик мусобақада фаол қатнашш, прогрессив технологияга илгор иш усулларини кенг жорий қилиш, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомининг мустаҳкамлаш ютуқлар омили бўлмоқда. Шу тўғрйли ҳам графикдан ўзиб ишланаёпти. Ҳозиргача жами ишлаб чиқарилган пахта териш машинаси 8.5 мингтага етай деб қолди.

Корхона ишчи-хизматчиларининг қўлчиллиги коллективи муваффақиятларига муносиб ҳисса қўшмоқда. Айниқса, йиғуц цехи меҳнат аҳли мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Цехнинг В. Глухов бошлиқ йиғуци слесарлар бригадаси ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариб, келгуси йил ҳисобига ишламоқда. М. МАҲМУДОВ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Область партия комитетининг бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида область юк ва пассажирлар ташини автотрестларнинг интизоми мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш борасидаги ишларини муҳокама қилди. Муҳокамада шу нарса таъкидландики, автотрестлар ва уларнинг қармоғидagi корхоналар раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари транспортда тартибни, ушшоққилини ўрнатиб юзасидан иш услуби ва методларини бир мунча қайта қўрган бўлсалар ҳам бу соҳадagi вазифалар сўт бажарилолмади.

Автотрестларнинг раҳбарлари А. П. Шенин, М. Ф. Ғафуров ўртоқлар интизоми бузувчиларга қарши кескин кураш олиб бормайтилар, тушумларни ўзлаштириш ҳолларини бартараф этиш, автотранспортдан шахсий мақсадларда фойдаланишда автокорхоналар раҳбарлари қилмайтилар. Айрим раҳбарлар суниетсёмолларга йўл қўймоқдалар, қўл остидагилар учун ахлоқий-маънавий жиҳатдан намуна бўлолмайтилар. Бу ишда коллоналлар, бригадалар, ремонт устакхоналарининг партия, касабга союз ва комсомол ташкилотлари жамоат таъсир методларидан сўт фойдаланишмоқда. Жойларда СССРнинг меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонунга таъиниб, белгилаб берилган ҳуқуқлардан коллектив ҳаётининг нормалари ва принциплари бўйсунини хоҳламайтиларни жазолаш учун етарли равишда иш қўйилмапти.

Автотрестларда планлаштириш, моддий-техника таъминоти, ишлаб чиқаришни ташкил этишда камчиликлар мавжуд. Бу ҳол транспортнинг бекор туриб қолишига, пайдагидан ортиқча ишлашга олиб келмоқда, меҳнат унумдорлигининг ўсиши сўратларига салбий таъсир қўрсатмоқда.

Пировард натижаларга қараб ҳақ тўлайдиган ягона наряд асосида ишловчи янги типдаги бригадалар меҳнат интизомининг мустаҳкамлаш учун, ишлаб чиқаришда тартиб ўнатиш учун курашда мўҳим роль ўйнайди. Бироқ, бу прогрессив усул бу ерда етарли даражада етилмаган. Кўпгина хўжаликларда меҳнатга ҳақ тўлаш ва хуусан мукофотлаш бир текисда бўлмоқда, виждонан ишловчи ҳодим ҳам, ҳалол ишламайдиган ҳодим ҳам бир хил шароитга тўшйиб қўйилмоқда.

Трестларнинг контроль хизматлари иш самарали бўлмапти. Улар ишдаги мавжуд услуб ва методлар қўшиб ёзишлар ва бошқа нўсонларнинг олдини олиш таъминламапти. Чирчи, Олмалик, Ангрен, Бекобод шаҳарларидаги автобус маршрутларининг иш жидалий эътирозлар тўғрисида. Бу жойларда ҳайдовчилар ўртасида интизом нҳоятда бўш. Шу тўғрйли машиналар маршрутлардан ўз ҳолига чиқиб кетмоқда. 1985 йили юк ташини автотрестининг бир қатор корхоналарида бажарилмаган ишлар бажарилиб, деб ёзилган. Бироқ бошланғич партия ташкилотлари бундай фактларга принципал баҳо беришмади.

Автотрестларнинг раҳбарлари кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашга етарли даражада таъсир қўрсатмайтилар, уларда иқтисодий фикрлаш, ишчанлик, қўл остидагиларга нисбатан эътиборли бўлиш фазилатларини лозим даражада тарбиялай олмаптилар. Трестларнинг аппаратлари фаолиятида ташаббускорлик ва ижодий активлик етишмапти. Айрим мутахассислар камчиликлар билан келишиб келмоқдалар, бўлимларнинг иш усуллари ва методларини тақомиллаштиришга таъсир қўрсатмайтилар.

Келес, Янгийўл автотрест корхоналари, Ангрендаги 72-автотрест ва бошқа партия ташкилотларида танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришга етарли аҳамият берилмапти, қабул қилинган қарорларни назорат қилиш ва ижросини текшириш таъминланмапти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини бажариш юзасидан ташкилотчилар ва сиёсий иш савияси оширилмапти.

Область партия комитетининг бюроси область юк ва пассажирлар ташини автотрестларнинг раҳбарлари, партия ташкилотларининг секретарлари (Ғафуров, Шенин, Музаффаров, Заборцев ўртоқларга) интизоми мустаҳкамлаш, транспортдаги ҳар турли нўсонларни бартараф этиш ишнинг қонкаризи деб топди, улардан хўжалик фаолиятига раҳбарликнинг услуб ва методларини чуқур ва танқидий таҳлил этишни талаб этди, мавжуд камчиликларни дарҳол бартараф этиш юзасидан конкрет тадбирлар амалга оширишни, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг лезимията принципларига қатъий риоя этилишини таъминлаш иш, транспортда ҳар хил суниетсёмолларга қарши курашни кучайтиришни, автотранспортдан шахсий мақсадларда фойдаланишни фўтатиш, меҳнатни ташкил этишнинг бригада формалари самардорлигини оширишни, энг ахли коллективлар ва ишлаб чиқариш илгорларининг тажрибасини ёйишни, ҳар бир корхонада ҳодимлар учун нормал ишлаб чиқариш ва маънавий шарт-шароитлар яратишни, трестларнинг аппаратлари ишда аниқ-пухталлини таъминлаш, ўзаро қаттиқ талабчанлик шароитини юзга келтиришни, иш вақтининг беҳуда сарфлашини бартараф этиб, ундан рационал фойдаланишни талаб этди.

Автокорхоналарнинг партия ташкилотларига ташкилий-партияни ва коммунистлар билан ишлар савиясини ошириш, уларнинг коллективлар иқтисодий ва социал ҳаётининг ҳамма томонларида таъсирини кучайтиришни топширди.

Область партия комитетининг бюроси бошқа масалаларни ҳам муҳокама этди, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ДИҚҚАТ: БУ ҲАММА УЧУН КЕРАКЛИ

ЭЛЕКТР ҚУВВАТИНИ ТЕЖАЙЛИК

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг шу йил 20 ноябрь сонида «Электр беҳуда сарфламасини» сарлавҳали мақолада Тошкент шаҳри аҳолисини хонадонларда электр қуввати сарфини беш процент камайтиришга даъват этган «Узгосэнергонадзор» ташкилоти ҳодимларининг ватанпарварлик ташаббуслари ҳақида ҳикоя қилинган эди. Бу ташаббус область шаҳар ва районларида электр қувватини тежасиз сарфлашга қўлқондила қўлаб-қувватланмоқда.

Халқ депутатлари Тошкент области Совети ижроия комитети электр қувватини аҳоли хонадонларида тежасиз юзасидан область шаҳарлари ва районлари ўртасида социалистик мусобақа эълон қилган эди. Бу мусобақа дастлабки якунлар чиқарила бошланди.

Тошкент райони аҳолиси шу даврда энг кўп электр қувватини тежасиз муваффақ бўлди. Улар ноябрь ойида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 76,2 процент электр қувватини кам сарфладилар. Буқалиқлар ҳам юксак оғиллиги ҳамда давлат ва хўжалик нўтдан намуналарини маънафторлиги намуналарини қўрсатдилар. Районда ўтган йилнинг ноябрь ойидагига нисбатан 58,2 процент электр қуввати тежасиз қолди. Бу қўрсаткич Оққўрғон районида 5,2 процентини, Бекобод шаҳрида 2,7 процентини ташкил этди.

Мусобақага қўйилган Янгийўл райони аҳолисини ҳам электр қувватини ўтган йилдагига нисбатан бир мунча кам сарфламоқда.

Бироқ ҳамма шаҳар ва районларида ҳам электр қувватини тежасиз сарфлашга эришилди, деб бўлмапти. Оржоникидзе, Бекобод, Ғалаба, Калинин районларида, Янгийўл ва Оқангарон шаҳарларида ҳамон электр қуввати нормадагидан ортиқча сарфланмоқда. Жўмладан, Оржоникидзе районида бу қўрсаткич 63,5 процентга етди. Афтидан бу шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари, тузар-жой-коммунал хўжалик электр қувватини тежасиз сарфлаш юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ва бошқа ташкилий ишларни олиб боришга ҳанузгача киришмаганга ўхшайдилар.

Ҳамма шаҳар ва район ижроия комитетлари электр қувватини тежасиз зарурлиги, уни беҳуда сарфлашнинг зарарли эканлиги ҳақида тушунтириш ишларини кучайтиришнинг, социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини оширишлари лозим.

Кейинги ойдан бошлаб «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» га

зеталари хонадонларда электр қувватини тежасиз бу йича область шаҳарлари ва районлари социалистик мусобақасининг ойллик якуни тўғрисидаги маълумотни эълон қилиб боради. Об-

ласть ижроия комитети шаҳар ва районлар аҳолисини ўртасида шундай мусобақа уюштириш учун қўйидаги «Тежамкорлар» талониини жорий этишни тавсия қилиди.

ТЕЖАМКОРЛАР ТАЛОНИ	
Исми фамилиясини	_____
отасининг исми	_____
Адрес	_____
Квартирадаги хоналар сони	_____
Оила аъзолари сони	_____
Ҳисоб дафтарчаси номери	_____
1985 йилнинг ўтган ойида сарфланган электр қуввати миқдори	_____
1984 йилнинг шу ойида сарфланган электр қуввати миқдори	_____

Хонадон эгалари ҳар ойнинг охирида ушбу талонини тўлдириб борадилар. Улар тўлдирилган талонини ёки шу мазмундаги маълумотларни ўзлари яшётган шаҳар ёки район ижроия комитетига

юборадилар. Электр қувватини энг кўп миқдорда тежасиз қўлишга эришган оилалар мукофотланиб, илгорларнинг исми, фамилиялари область газеталарида эълон қилинади.

ОЛМАЛИҚ гилам фабрикаси коллективи ўн биринчи беш йилликнинг сўғити йилини муваффақиятли якунламоқда. Йил бошдан бери корхонада планга қўшимча равишда 24 минг квадрат метр гилам буюмлари иш-

лаб чиқарилди. Фабриканинг илгор ишчиси Сайёра Ҳайдарова коллектив ютуқларига ўзининг салмоқли ҳиссаси қўшмоқда. Сўратда: С. Ҳайдарова.

Ф. Қўрбонбоев фотоси. ҲАТАГ.

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

Бўна, Ўрта Чирчиқ ва Коммунистик районлари партия ташкилотларининг ҳисобот-сўзлов конференциялари бўлиб ўтди.

Конференцияларда Бўнада Тошкент область ижроия комитети раиси А. Б. Саидхўжаев, Ўрта Чирчиқда Тошкент область партия комитетининг секретари М. Қ. Қодиров, Коммунистик районида Тошкент область партия комитетининг секретари Ш. З. Камолхўжаев нутқ сўзладилар.

Конференциялар ишда Бўнада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети фан ва ўқув юрталари бўлими мудири Н. Тўхлиев, Ўрта Чирчиқда Ўзбекистон ССР уй-жой-коммунал хўжалиги министри В. Г. Дуҳанин, Коммунистик районида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия комиссияси ра-

исининг ўринбосари С. И. Стрижнев иштирок этидилар. Конференцияларда район партия комитетлари, район партия ташкилотлари ревизия комиссияларининг янги составлари, Тошкент область XXII партия конференциясида делегатлар сайланди.

Ташкилий пленумларда Х. А. Пирналов Бўна райони партия комитетининг биринчи секретари, С. Т. Бадаев район партия комитетининг иккинчи секретари, М. Мирзаева район партия комитетининг секретари; Б. С. Камолдов Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари, А. Ф. Пешенчиков район партия комитетининг иккинчи секретари, Т. Бекматова район партия комитетининг секретари; В. Н. Бабаев Коммунистик район партия комитетининг биринчи секретари, М. Маҳмудов район партия комитетининг иккинчи секретари, Н. А. Кузнецова район партия комитетининг секретари этиб сайландилар.

ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

СОВЕТЛАРНИНГ ЖАНГОВАР ВАЗИФАЛАРИ

Кеча Тошкент область ижроия комитетида халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг раислари, область ижроия комитети бўлимлари ва бошқармалари раҳбарлари иштирокида мажлис бўлиб ўтди. Мажлисда Советлар ишнинг ташкил этиш, уларнинг саноат ва қурилишда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасида планларнинг бажарилиши юзасидан масъулиятларини ошириш, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида иш услуб ва методларини тақомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Область ижроия комитети раиси А. Б. Саидхўжаев мажлисга якун ясаб, Советларнинг иқтисодий ва социал-маданий қурилишга раҳбарлик қилиш юзасидан партия улар олдида қўйётган вазифаларини бажаришдаги ваколат ва ҳуқуқларидан янада тўлароқ фойдаланишлари, ўзларига қарашли территориядаги ҳаётнинг ҳамма томонларига, шунингдек, илмий-техника тараққиётига, ишлаб чиқаришни интенсивлашга, экономика ва тежамкорлик соҳасидаги вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига, маҳсулот сифатини тубдан яхшилашга, ҳамма участкаларда интизом ва тартибни мустаҳкамлашга нисбатан таъсирларини кучайтириш зарурлигини ўқитди.



Москвага келди

Совет раҳбарларининг тақлифига бинаои Ироқ Республикаси Революцион қўмондонлиги кенгаширининг Раиси, республика Президенти Саддам Хусейн 16 декабрь кўни амалий дўстона визит билан Москвага келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико,

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, бошқа расмий кишилар қутиб олдилар.

(ТАСС).



КПССнинг янги тахрирдаги Программаси, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан партия Устави, СССР-ни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986–1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари пойиҳаларини муҳокама қиламиз

Иккиламчи ресурслар — хўжалик обороти

ХАЛҚ хўжалигида самардорликнинг ошиши кўп жиҳатдан бизнинг хомашё ва бошқа моддий ресурслардан қанчалик оқилона фойдаланишимизга боғлиқ. Хўжалик оборотида иккиламчи ресурсларни жалб этиш тежамкорликнинг таркибий қисми. Экономиканимиз миқёслари кенгайиб бориши билан, табиийки, хом ашё ва материалларни қайта ишлаш ҳамки ҳам ортиб боради. Демак, чиқиндилар ҳам тобора кўпайиб боради. Улар бутунги кунда миллионлаб тонна бўлиб ўтказилади. Чикиндиларни қайта ишлаш атроф-муҳит муҳофазасига ҳам хизмат қилади. Уларга ресурсларнинг иккиламчи қатлами деб қарамоқ лозим.

оширишда тежамкорликка алоҳида эътибор беришга ўргатишга, уларда бу фазилатни ички ахтиёкка айлантиришга ҳам салбий таъсир кўрсатилади. Қатор корхоналарда иккиламчи металл тўплаш, сақлаш ва топширишга лойиҳалар билан қарашга одатланиб қолган.

Пойтахт областимизда 800 дан ортиқ корхона, ташкилот ва хўжалик металл парчалари йиғиш ва топширишга жалб этилган. Бизнинг вакилларимиз эса корхоналарнинг қора металл чикиндиларини тўплаш ва сақлаш

Амалда ҳар доим ҳам шундай бўлмапти. Кўпчилик корхоналарнинг раҳбарлари металлларнинг аралашига топиришга одатланишган. Бу эса ГОСТ талабларига мувофиқ эмас. Натикада хом ашёни қайта саралашга тўғри келмоқда. Бу қўшимча қийинчиликлар юзага келтирмоқда. Ортиқча меҳнат ва маблаг сарфлашга мажбур бўлимоқда. Бевоқиф корхоналар ва ташкилотларнинг ўзида сараланса бунга ҳожат қолмас эди.

Бошқармаимиз асосан кичик корхоналар топширадиган маҳсулотни қайта ишлаш лозим. Амалда эса бундай бўлмапти.

Иккиламчи хом ашёнинг юқори самардорлигини назарда тутиб корхоналар ва идораларнинг раҳбарлари металлларнинг тўплалишини кўпайтиришлари, шунингдек, уларни қайта ишлаш бўйича қувватлардан тобора тўлароқ фойдаланиш чораларини кўришлари керак. Кейинги вақтда бу соҳада муайян силжишга эришилди. Натикада пойтахт областиде металллом тайёрлаш ва топшириш плани муваффақиятли бажаришмоқда.

Умуман, областимиздаги корхоналарда иккиламчи ресурсларни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлашга муносабат яхшиланиб бормоқда. Лекин юқоридаги каби камчиликлар ҳам тўла барҳам топганича йўқ. Қайта ишлаш техникасидан самарали фойдаланиш, кам чиқинди ва чиқиндисиз технологияни жорий қилиш тез орада катта катта резервларни экономикка хизмат қилдиришини ҳисобга олиб, бу соҳадаги ишларни янада яхшилаш, барча корхона ва ташкилотлар томонидан металлломнинг бир маромда ва планда белгиланган миқдорда топширилишини таъминлаш керак. Бу билан партияимизнинг съездлари ҳужжатлариде тежамкорлик бўйича, шу жумладан иккиламчи металлдан фойдаланишнинг тўбдан яхшилаш ҳақида қўйилган вазифаларнинг бажарилишига муносиб ҳисса қўйилган бўлади.

ҲАР СОҲАДА ТЕЖАМКОР БЎЛАЙЛИК

инструкциясига риоя этишларини назорат қилади. Аммо уларнинг катта территорияда жойлашган корхоналарга хизмат кўрсатишлари, қондан бугунги ташкилот ва хўжаликларга нисбатан қўйилганда жазо чоралари зарур самарани бермапти. Жарималар эса бевоқиф айбдор бўлган масъул шахслар ҳисобидан эмас, балки корхона ҳисобидан тўланади. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 32 миң сўм жарима ундирилди.

Чирчиқдаги «Чирчиқсельмаш» трансформатор, Тўйтапа металл конструкторлар заводалари ҳамда Ангрени шахридаги кўмир разрезини, қор ортиш-транспорт бошқармаси металллом топшириш бўйича топшириқларни бажармапти.

Тартибга мувофиқ металллом сортларга ажратилган ҳолда топширилиши керак.

Муҳим хом ашёни топшириш мароми ҳам ташвиш туғдиради. Ойнинг биринчи ва иккинчи ўн кунлигида бошқармаимиз цехлари ҳамда участкалари тўла қувват билан ишламапти. Чунки корхоналар ойнинг сўнгги кунларидеги планни бажариш учун ҳаракат қилади. Бу вақтда металллом қабул қилувчи цех ва участкаларнинг дарвозаси ёнида юк машиналари турна-қатор бўлиб тизилишди. Цехлар ва участкалар металлломни қайта ишлашни тўхатиб, фақат уни қабул қилиш ва юк тушириш билан шугулланишга мажбур бўлади. Ишлаб чиқариш майдонлари қисмларга ажратилган металллом тўплаш кетди.

Иккиламчи металлларни топширишда маромнинг йўқлиги яна бир қийинчилик туғдирапти. Хом ашёни қайта ишлаш ускуналарининг эъричилишига, демак, тез-тез ишдан чиқишига олиб кел-

М. БОЙМУРГОВ, республика «Узвотчермет» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент области вакили.

ФАН ВА ТЕХНИКА

КАЛИЙ ЎЗИМИЗДАН ЧИҚАДИ

ХАЛҚ хўжалигини химиялаштиришнинг 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган комплекс программасида бир қанча муҳим химиявий материаллар билан бир қаторда минерал ўғитлар ишлаб чиқаришнинг ахтиёкка қараб кўпайтириш кўзда тутилган. Ҳисоблар шунини кўрсатдики, минерал ўғит ишлаб чиқариш учун сарфланган бир сўм деҳқончиликда — 7,9 сўм, чорвачиликда эса — 10 сўмгача фойда келтирилади. Бу натикалар минерал ўғитлар ишлаб чиқариш саноатини тез суръатлар билан ривожлантириш имконини бермоқда.

Калий ўғити саноати Иттифоқимизда урушдан кейинги йиллар давомида тез суръатлар билан ўсиб боради. 1968 йилга келиб СССР бу соҳада жаҳон миқёсида биринчи ўринга чиқиб олди. Лекин суръат ортишига қарамай, қишлоқ хўжалигининг калийли ўғитларга бўлган ахтиёкка ҳамон катта. Бу ахтиёк, айниқса, пахта етиштирувчи республикаларда, шу жумладан, Ўзбекистонда йилдан-йилга ортиб борапти.

Хозирги пайтда бизнинг қўлида ўлкаимизда пахта етиштириш учун 722 миң тонна калийли ўғит талаб қилинади. Бошқа пахта етиштирувчи Ўрта Осиё республикаларини қўшиб ҳисоблаганда бу рақам 1 миллион тоннадан ошиб кетди. Шу кунгача Ўрта Осиё республикаларининг калийли ўғитга бўлган ахтиёкка асосан Ўрал (Соликамск комбинати) ҳисобига қондирилиб келинмоқда. Бу эса қўшимча йўл ҳаражатларини келтириб чиқариш билан бирга, пахта таънаринини қимматлаштириб юрмоқда.

Эндиликда Ўзбекистон геологлари бу муаммонни ҳал қилишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар республикаимизда ва Туркменистонда жуда кўп калийли туз запасларини аниқладилар.


публикаимизда ана шу конларнинг етарли тадқиқ этилмаслиги тўғрисида калий ўғитига ахтиёк катта эди.

Эндиликда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг қатор илмий муассасалари, хусусан, Химия институтини академик М. Н. Набинов бошчилигида Ўрта Осиё минерал туз конлари асосида калийли ўғитлар ишлаб чиқариш, унинг хом ашё базасини яратиб ва кенгайтириш устида самарали ишлар ишлаб олиб бормоқдалар. Ҳумладан, химия фанлари доктори Р. Г. Осиновча раҳбарлигидаги ўғитлар химияси ва технологияси бўлимининг лабораторияси илмий ҳодимлари ана шу соҳада бир мунча ютуқларни қўлга киритдилар. Ўрта Осиё территориясидаги Тенақўтон, Хўжайикон, Оқбўша, Лалимон каби калийли туз конлари — бу ердаги хом ашёнинг химиявий таркиби ҳамда минерал состави чуқур ўрганилмоқда.

Олинган илмий хулосалар асосида энг катта ҳисобланган Тенақўтон калийли туз кони базасида калийли минерал ўғит ишлаб чиқариш йўлига қўйилди. Шу муносабат билан тузлардан комплекс фойдаланиш ва уларни қайта ишлаш технологияси бўйича қатор таҳлилга тавсиялар тайёрланди. Бу тавсиялардан Ўзбекистон ССР Давлат план комитети ҳоҳишдаги Экономика институти илмий-техника ривожланишининг 2005 йилгача бўлган комплекс программасини ҳамда Ўзбекистон ССР химия саноати комплексини жойлаштиришнинг 2000 йилгача бўлган бош схемасини ишлаб чиқишда фойдаланади.

Шундай қилиб, республикаимизда ўн иккинчи беш йилликдан бошлаб калий ўғити ишлаб чиқариш тармоғи ривожлантирилди.

З. ИСАБОВЕ, Х. ТИЛЛАХУЖАЕВ, химия фанлари кандидатлари.



● ТОШКЕНТ мотор заводи тайёрланган дизеллар буюртмачи — республика «Госкомсельхозтехника» бирлашмасига етказиб берилмоқда. Бундай моторлар нахтакчилик учун мўлжалланган тракторлар ва «зангори кема»ларга ўрнатилмоқда. Ҳар бири 80 от қучли дивгательларини ишлаб чи-

қариш тобора кўпаймоқда. Моторнинг ўнлаб деталлари шу ерда тайёрланади. Йил охирига келиб улар сонини янада ортиди. Суратда: механиканинг цехида янги дивгательларни тайёрлаш пайти.

(ЎзТАГ фотоси).

ОБЛАСТЬ ИЖРОЯ КОМИТЕТИДА

Талаб даражасида эмас

Область ижроия комитетининг набабатдаги мажлисида Янгйўл район Совети ижроия комитетининг аҳолига хизмат кўрсатувчи тармоқ корхоналари фаолиятини янада яхшилаш соҳасидаги ишлари муҳокама қилинди.


ЯНГИЎЛ район ижроия комитети, унинг бўлимлари савдо, маънавий ва коммунал хизмати корхоналари, медицина ва маданий-маърифий муассасалар, транспорт ва алоқа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш соҳасида мунча ишларини қилмоқда. Бу муҳим масала халқ депутатлари район, қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетлари мажлисларида бир неча марта муҳокама қилинди.

Ўн биринчи беш йиллик давомида 43 миң 506 квадрат метр ҳажмидаги уй-йўл, 3804 ўрилли мактаб, 740 ўрилли болалар муассасалари, 1400 квадрат метр майдонга ағзалган савдо ва 157 ўрилли умумий овқатланиш ҳамда 18 ерда маънавий хизмат шаҳобчалари фойдаланишга топширилди. 9 та янги пассажир транспорт маршрути очилди, 300 хона-

донга телефон ўрнатилди. Райондаги аҳоли пунктларини ободонлаштириш давом эттирилди.

Бирок районда аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларининг бугунги иши давр талабига жавоб беролмапти. Айрим қурилиш, ремонт, монтаж ташкилотларининг ишлари жиддий камчилик ва нуқсонларга йўл қўётганини қўйибди, уй-йўл, социал-маданий ва маънавий объектларни бир қатор камчиликлар билан фойдаланишга топшириш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Қурилиш ишларининг сифати паст, суръати суст. Қириқларини ремонт қилиш ва уйларины иситиш масмунига тайёрлашда ҳам жиддий хато-ларга йўл қўйилди.

Районда савдо тармоқлари, умумий овқатланиш ва маънавий хизмат корхоналари жуда суст ривожлантирилмоқда. Район ижроия комитети уй-йўл қурилишлари ҳисобидан ажратилган 5 процент маблаг ҳисобига савдо ва маънавий хизмат объектлари барпо этишга, шунингдек, колхоз ва сов-



БЎШ ВАҚТ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?

Коммунистик партия ўз фаолияти давомида меҳнат-кашлар оmmasининг маънавий камолотида доимо катта эътибор бериб келмоқда. Меҳнаткашларни, ёш авлод-ни Ватан ва жаҳон бадийи маданиятининг энг яхши намуналари мисолида эстетик жиҳатдан тарбиялаш тўғрисида гамхўрлик қилади.

— Эстетик завқланиш меҳнат илҳомини янада жўш урдиради, инсонни улғутайди ва унинг турмушини беэади, — дейилади КПССнинг янги тахрирдаги Программасида.

Дарҳақиқат, ёқимли музыка, истетодли расмоярратган акжир биз марзая, ганчкор санъати ва шунга ўхшаш нафис ижод маҳсул-лидан ким лаззат олмайди дейсиз.

Санъат инсонни гўзаллаштириди, унда ҳаётга меҳр уйғотлади. Бутун мамлакатимиздаги каби областимизда ҳам бу нафосат оламига қи-зиқиш катта.

Областимиз қишлоқларида ўз бўш вақтлари-ни расм чизмига, ҳайкал-рошникка, ўймакорликка, каштачиликка бағишлаган, таъсирли санъатнинг турли жанрлари билан машғул ки-шиларни кўплаб учратиш мумкин.

Тошкентда ташкил қилин-ган ҳаваскор ижодкорлар асарларининг республика кўргазмасини тайёрлашда 5 миңдан зиёд мўйқалам иш-чибозлари иштирок этди. Бу фақат тайёргарликда қатнаш-ганлар сони, холос. Уларга жамоатчилик эътиборининг кучлилигини айтмайсизми? Қўриқ давомида 200 дан ортиқ кўргазма уюштирилди. Кўчалар, клублар, дала шўйпонлари ҳам ҳаваскор расмолар ишларининг «кўргазма майдони»га айланди.

Бутуниттифок ҳамда рес-публика кўргазмаларида Тошкент области ва шаҳри ҳаваскорлари, жумладан, пойтахтдаги тўқимачилар, авиаөзолар, темирйўлчилар, Чирчиқдаги қимёгарлар ма-даният саройларидаги халқ таъсирли санъати студияла-ри коллективларининг му-ваффақияти алоҳида қайд қилинди. Айниқса, тўқима-чилар маданият саройи халқ таъсирли санъати студияси иштирокчилари Ю. Бутусов, Ю. Барбосов, В. Капитанов ва бошқаларнинг асарлари илиқ кутиб олинди. Бу кў-ринида ҳаваскор расмолар-дан Чиноз районидаги «Қи-зил Октябрь» колхозининг

аъзолари А. Омонов, Р. Аҳмедовлар ҳам ўз қобилият-ларини кўрсата олдлар. Бироқ, мазкур кўрик халқ орасидан чиққан истетод-ларнинг умумий ўсиши билан бирга уларнинг тарқо-лиги, уюшмаганлигини ҳам кўрсатиб берди. Кўпгина ҳа-васкорлар яқна тартибда, ўз ҳолларида ишлайдилар. Уларга махсус амалий ёр-дам берилмапти. Клуб ва маданият саройларида та-сирли санъат тўғрисидаги ҳа-мон етарли эмас, улар бармоқ билан санарли.

Бундай ахвол шаҳар, рай-он ва қишлоқларимизда рас-сомлик, ҳайкалтарошлик,

деган мазмундаги қандай-дир ишларни ўз ифода-сини топиши зарур, деган фикрдаман.

Хозирча қишлоқларда яшайётган ҳаваскор ижод-корларнинг асарлари кўргаз-масини ташкил этиш фақатти-на орзу бўлиб қоляпти. Қишлоқ клуби ёки мадани-ят саройида таъсирли санъ-ат студияси учун раҳбар то-пиш жуда қийин. Клуб бод-жетида бундай штат йўқли-ги учунгина шундай эмас. Қишлоқларда махсус рас-сомлик маълумотида эга му-тахассислар етишмаслиги маълум. Лекин бундай рас-сомлар ҳар ҳолда бор. Йил-

да бундай марказ деярли йўқ. Мана, баъзи мисоллар. Бўстонлиқ районидеги 25 та клуб ва маданият уйи-дан 14 таси қишлоқ ерлари-да жойлашган. Сир эмаски, уларнинг кўпчилигидан бо-ша мақсадларда фойдаланил-моқда. Масалан, район ма-даният уйига алғача ҳам жойлашган. «Қозғистон ССР 30 йиллиги» колхоз-ининг клуби эса ётоқхона қи-линган. У ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ифлос, капитал ре-монтга муҳтож. Карл Маркс номли колхоз клуби ҳам ҳувилаб ётибди. Клубдан ҳар йили баҳорда пилла етиштириш учун фойдала-нилади. Жданов номли ко-лохоз клуби биносиде маъна-вий комбинат ва алоқа бўли-млари «истижомат» қилиш-моқда. Бундай маданий му-ассасаларда қандай самара-дорлик бўлиши мумкин? Тў-ғараклар ишларини жоилан-тириш, турли қизилари тадбирлар ўтказиш ҳақида таърихнинг ўзи орқиде. Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг кўп-гина аъзолари «Клуб мада-ний хорлиқ» чиқариш жойи сифатида сизни ўзига жалб этадилми? деган саволимиз-га «йўқ» жавобини берди-лар.

Маданий хизматни тинмай юксалтириш, ваифаси энг муҳим масалалардан бири бўлиб турибди. «Клуб муас-сасалари ва спорт иншоот-лари фаолиятида совет ки-шиларининг бўш вақт хусу-сидеги қизиқишлари ва ах-тиёкларни мунтазам ўрганиб боришлар ва ҳисобга олини-син, уларнинг маънавий ка-мол топишига ёрдам бера-диган маданий эҳтиёжлари ривожлантирилсин», — дей-илади КПСС Марказий Коми-тетининг шў ҳақидаги махсус қарориде. Ана шу қарорни бажариш доимий изланиш, маърифий-оқартув муас-сасалари фаолиятини тинмай яхшилаш, янги-янги резер-вар топиб ишта солиш, таш-килотчиликни кучайтириш, умуман, бу соҳага бўлган муносабатини кескин ўз-гартириш талаб қилади.

Бироки, Программда таъкидланганидек, пах-тия маданий-маърифий ишлар-нинг мазмуни ва методини муттасил такомиллаштириб бориши, унинг моддий база-сини мустаҳкамлаш, шу вазифаларни муваффақият-ли бажаришнинг зарур шарт-и деб ҳисоблайди.

Т. ОДИЛБЕКОВ, санъатшунос.

ЯНА ИККИТА АГРЕГАТ СОЗЛАНАДИ

КЕИНИГИ йилларда Тош-кент тўқимачилик комби-ната прогрессив технология, янги техникани жорий этиш-га тобора катта эътибор бе-рилмоқда. Бунини айниқса, пардозлаш фабрикаси мисо-лида кўриш мумкин. Фабри-када Е. Анюшин бошлик монтажчилик бригадаси қис-қа вақт ичиде замонавий ЛКС ЛПС маркали бўш ва гуд бош агрегатларини ишта туширдилар. Монтаж-чилардан Г. Курочкин, А. Ашурев, В. Красильников,

Р. Абдурахмоновлар меҳнат-да юксак самардорлик кўр-сатиб, техникани тез ва со-зилашсини таъминламоқда-лар.

— Барча имкониятлари-мизни ишта солиб, йил охи-ригача яна иккита бўш ва гуд бош ускуналарини созлашга аҳд қилдик, — дей-ди Е. Анюшин. — Шу кун-ларда монтажчиликнинг ўз-сўларининг устидан чиқиш учун зарбдорларча меҳнат қилмоқдалар.

Б. ОРИПОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«Нонсофлар»

(Бир мақолага иккинчи жавоб)

Газетанинг 29 октябр со-нида юқоридаги сарлавҳали мақолада Бўқа районидаги Жамбул номли колхознинг бригада бошлиги Н. Назаров Ангрентдан келган ҳашарчи-лардан ўз участкасида бетон қуйдириш ишларида фойда-ланганлиги кўрсатилган эди. Бу ҳақда Бўқа район пар-тия комитетининг секретари М. Мирзаевадан олинган жа-воб газетда босилган эди.

Ангрент шаҳар партия ко-митетининг биринчи секре-тари В. Березовскийдан ҳам жавоб олинди. Унда маълум қилинишича, мақола шаҳар партия комитетининг бюро-сида кўриб чиқилган. Пахта йиғим-теримига юборилган ҳашарчилардан бошқа иш-ларда фойдаланилишига йўл қўйилганлиги учун шаҳарда-ги 72-автокорхонанинг 3-ко-лонна бошлиги У. Ханаева қаттиқ ҳайфсан эълон қи-линган.

ШАРҚ ОҲАНГЛАРИ ЯНГРАЙДИ

Шарқ оҳанглари ўзининг мусиқийлиги билан тинглов-
чининг қалбини ром этади. Дилбар, майин, ҳаяжонли ёки
қўҳ-қувноқ оҳанглар ... ДОИРА, РУБОБ, ЧАНГ, ДУ-
ДОН, НАЙ сингари миллий чолғу асбоблари шарқ кўй-
ларининг ўйноқи жозибасини намоян этади.

Эндикда копток билан ҳаракат қилаётган хоккейчи уни 46 сантиметрдан юқорига қўтарса, команда дарвозасига жарима белгиланади. Бу аввало спортчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида киртилган янгиликдир.

Яна шунинг таъкидлаб ўтиш керакики, мазкур турнирни ўтказишдан қўзланган бош мақсад резервларни жид-

Буй сиёвдан ўтказишди.
Бу мусобақаларга мастер-
лар командаларининг ўйин-
чилари мутлақо киритилма-
ди. Бунинг мўъноси шуки,
ёш истеъодлар ўз тенгдош-
лари орасида кучли эканлик-
ларини кўрсата оладилар.
Ҳар бир командада турли
олабаста ва шахарларнинг
энг ёш, истеъодли хоккей-
чилари тўпланган. Жумла-
дан, «Еш куч» командаси
сафида Тошкент области
нинг Янгйбозор ва Олмаўчи
шаҳарларининг кўплаб ва-
киллариин учратиш мумкин.
Кубок ўйинларини мастерлар
командаларининг тренедрлари
мунтазам кузатиб боради.

лар. Барча командалардаги энг ҳаракатчан, сермахсул ва истеъдодли талантлар учун келгусида юқори класс командалари сафида қатъиёниш учун йўл очилди.

Қиёрайдagi мазкур турнирда иштирок этаётган эркаклар командаларининг улашувчлари 15 дабргача бўлди, аёллар командаларининг мусобақалари эса 23 дабргача давом этади.

С. ДАВОНЛОВ.

Биринчилик ўқташиш программасига кўра мусобақаларда областийнинг 12 қомандаси иштирок этиши керак эди. Лекин Бекобод, Ҳанга-рон шаҳарлари, Оржоникидзе, Оксфурдон, Коммунистик ва Ўрта Чирчиқ районлари қоманда-далари номатҳум сабабларга кўра Чирчиқ турнирига кел-мадилар.

МАДИ

Ғажа миллиция сержанты
Усмоновнинг шахсий инти
зомсизлиги ва масъуль
ят ҳиссини йўқоту
лиги, катта лейтенант
Осуповнинг ўз бурчи
совуқонлик билан ва та
тиб-интизом бузулиши
принципни қелишувчи
муносабатда бўлиши оқиб
тида рўй берди». Булар
мазкур ҳодисада айбдор бў
ган бошқа ҳодимлар еғин
ли жаазаларни олишди.
Бирок, бу билан рўй бе
рган ҳодисанинг гринни ў
қибро бўлмастлиги, ҳало
қат қурбонини ҳаётга қай
раб бўлолуслиги, айтиш

Яқин маънафурини жиддий
сабоқ бўлмоғи лозим. Ян
да хушёр тортайилди. Кай
бикари рулга тўғирмоқчи бу
ганларга нисбатан муро
сиз ва бешафкат бўлайилди
Усмоновнинг ўзи қ
нун химоячи бўлатур
шундай жиёғат қилиб, м
нинг уч фарзандимни ет
қолдири, дейди. Маши
ра Абдурахмонова, — у
қаттиқ қазо беришинглар
талаб қиламан!

Ичкили тўғайли бод
қилинган фалокатнинг ку
бони бўлган ёш онанинг
қазб нидоси ҳаммадан хуш
бўлишга қақирди!

А. УМАРОВ,
Оржоникидзе район ха.
судининг райси.

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.

жавоб берадилар.

23.05 «Вугун оламда на
гап!» Халқаро аҳвол кундал
ги.

УТВБ II

9.00—16.00 МТ II.

18.05 Кўрсатувлар программ
си.

18.10 «Йилқичилар» Тел
фильм.

18.35 Телевизион театр. I
Мирисае «Осмон ва дуэла
(тақрири).

19.30 «Ахборот». (рус.).

19.45 Ритмик гимнастика.

20.05 Табиатшунослик. Т

биатсув

20.30 «Ахборот»

20.50 Ҳозирги проза адаби
ёти раъиди Проза

21.30 МТ II.

рлари — 335885; 325747, 337916,
уши — 325778; саноат, капитал
; совет қурилиши — 325645; м
25354; фельетонлар ҳамда ҳарб

Тошкент шаҳри. ИБ

Ташкентдаги миллий музыка чолгу асбоблари экспозициясига таърифли раҳбарларнинг келиши ва кўрсаткичларнинг тақдир этилиши билан таъриф этилади.

ҲАР БУЮМНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Китоблар, журналлар, альбомлар, идишлар, кастрюлка-
лар, сковородкалар.

... Ана шу ранг-баранг-буямларсиз бугунги турмуши
мизни тасаввур эта олмайсиз. Бундай буюмлар ўз
ичини топиши, қўл узатса етадиган жойда туриши учун
нима қилмоқ керак?

**Бунинг учун ШКАФЛАР, ЖАВОНЛАР, ОСМА
ШКАФЧАЛАР керак.**

Бундай мебеллар сирғимдор ва аини пайтда бежирим
кичик кваттираларга муносиб бўлиши керак.
Тошкентдаги оёхона ва бошқа мебеллар заводи ана шу
маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда. Қорхонада мебел-
ларнинг ягона нуқсали намуналарни ишлаб чиқишдамоқ-
да ва уларга ёғочдан ҳамоҳанг нақшин гуллар тушири-
лмоқда.

Ошхона учун **СТЕНКАЛАР, ОШХОНА ГАРНИТУРЛАРИ, ЖАВОНЛАР, ОСМА ШКАФЧАЛАР** шаҳарнинг ихтисослаштирилган мебель магазинлари ва хўжалик моллари магазинларида сотилмоқда.

«УЗМЕСТПРОМ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
(СИ ТЕЛЕФОН 76-47-11).

СЮЗОТТОРРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИ
НИНГ ҲАВЕСИНИНГ РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (ТЕЛЕФОН 45-37-27).

ТОШКЕН ДАВЛАТ
ЦИРКИДА

«ЯХШИ КАЙФИЯТ»
ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

Программада РСФСРда
змиат кўрсатган артист
Иванов раҳбарлигиндаги

ШИМПАНЗЕ ЦИРКИ,
АТТРАКЦИОНИ

ШАҲАРЛАРАО ТЕЛЕ
ФОН АЛОҚАСИ ХИЗМАТИ
ДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ
ШАҲАР

АТСи абонентлари

ДИҚҚАТИГА!

Миянш шаҳридаги абонент
лар билан боғлиқлиқ тартиби

ЎЗГАРДИ

Якни бўлидан иборат катта-ранг-баранг программа.

Томошалар соат 19.30
данба кунин — 16.00,
00 да; якшанба кунин —
00, 16.00, 19.00 да бош-
ланади.

Коллектив зайвқалар қа-
т қилинади.

Касса соат 10 дан 20.00
гача очил.

Бунинг учун: 8+0170-
Минск шахридаги абонет
номери унинг
8-0172+ Минск шахри-
даги абонет номерини терм-
лов.

Шунингдек, Сирдарё об-
ластининг Янгир шаҳри бо-
ла боғлайдиган янги йўл
лиш очилди. Боғланш тер-
тиб — 8+36737+ абонет
номери, справқалар бюроси
32222.

Справкалар учун телефон: Республика шаҳарлараро
35-91. телефон станцияси.

РАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

1985 йил 25 ДЕКАБРДА

Темир йўлнинг контактли тармоқ симларига юқори куч-

нишли электр токи уланади. Контактли тармоқларга шиларнинг икки метр масофадан яқин келиши ҳаётин хавфлидир!

Электр узатиш линияларининг устунлари ва ва-
яларнинг томига чиқишга уринмангиз.

Ҳар қандай буюмлар ёрдамида симлар ва ус-
наларга суянмангиз.

Симлар узилган жойларда ўн метр масофага
ин келмангиз.

Симлар узилган жойларни кўриб қолганингизда
роҳат исталган темир йўл транспорти ҳодимига

Барча хавфсизлик қоидаларига риоя этингиз.

УРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙУЛИНИНГ
ТОШКЕНТ БУДИНМАСИ

TOURNEY & HATHACH.

334909

мащъл секретарь—334800,
ва транспорт — 337010,

—325767; ахборот ва спорт
парварлик —325556; ре-

64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12